



БУЮРТМАЧИ:

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ЧОРТОҚ ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ

**Чортоқ туман Халқ таълими бўлимига қарашли 43-сонли умумий ўртатаълим мактабининг “Опен бюджет” портали доирасидаги мактаб ошхонасига мебел ва жихозлар сотиб олиш учун**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

*Чортоқ тумани*

## Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йурикнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА**

Ушбу йурикнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тугрисида"ги Қднунига асосан руйхатдан утказилган тартиби асосида ишлаб чиқилди

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ Қ.ИЙМАТИ**

1.1. Чортоқ туман Халқ таълими бўлимига қарашли 43-сонли умумий ўртатаълим мактабининг "Опен бюджет" портали доирасидаги мактаб ошхонасига мебел ва ошхона жихозлар сотиб олиш учун

Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов яқунлари буйича голиб чикдан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.1. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Чортоқ туман Халқ таълими бўлими, (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади. "Буюртмачи" манзили: Ўзбекистон, Наманган вилояти, Чортоқ тумани Истиклол хиёбони кўча 6-уй

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади

2.3. Танлов Чортоқ туман Халқ таълими бўлимига қарашли 43-сонли умумий ўртатаълим мактабининг "Опен бюджет" портали доирасидаги мактаб ошхонасига мебел ва ошхона жихозлар сотиб олиш учун "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан Қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камида 50 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки курсатиб утилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

уз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тугрисидаги маълумотлар;

танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми;

Низом маблагги миқдори.

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчилиққа биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензиата эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қелишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари - талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (қизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мувожаат қилишга ҳаққидирлар.

#### **4. ТАҢЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон қуринишда (etender.uzex.uz ) порталига электрон танловлар утқазиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига қура узбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар қурсатилиши қерак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ қурсатқичлар қурсатилган булиши қерак.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тулик, булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланқада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фак,ат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулик жавобгар булади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки

узгартириш киритиш ҳукукига эга.

## **5. ТОМОНДАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқдаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **6. БОШКА ШАРТЛАР**

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақди. Товари (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш купи ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига дойр тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни қуриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳдмда ундан олинган қучирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни қуриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақди. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

1. Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.
2. Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати
3. Танлов иштирокчиси х,акида умумий маълумотлар
4. Танлов иштирокчисининг иш хаки жамгармаси, ходимлар сони хамда малакалари буйича курсаткичлар.
5. Охирги бир йилдаги молиявий ахволи хакидаги хужжатлар, аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар хакидаги хисоботлар (баланс хисоботлар)нинг нусхаси билан Танлов иштирокчисининг салохияти (жумладан, туловга кодирлиги ва айланма маблаглар билан татэминланганлиги") тугрисида маълумот
6. Танловдаги ухшаш охирги иш тажрибаси.
7. Объектнинг буюртмачи белгиланган бошлангич нархининг 40 % кам булмаган микдоридаги айланма маблаглар мавжудлиги тугрисида оферентга хизмат килувчи банк томонидан тасдиқданган банк маълумотномаси.
8. Иштирокчининг омбордаги махсулотлар руйхати.

## Таклифларни техник ва нархлар буйича баҳолаш.

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан курсатилган муддатда иштирокчилардан электронний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жихатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электроний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш утказилгандан сунг куйидаги критерийларга асосан нархлар буйича баҳоланади.

№	Критирериялар номи, мазмуни	Энг юкори балл	Фоиз хисобида	
<b>1</b>	Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати	10	<b>80%</b>	
<b>2</b>	Танлов иштирокчиси хакида умумий	10		
<b>3</b>	Танлов иштирокчисининг иш хаки жамгармаси, ходимлар сони хамда малакалари буйича курсаткичлар.	10		
<b>4</b>	Охирги бир йилдаги молиявий ах,воли х,ак;идаги хужжатлар, аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар х,ак;идаги х,исоботлар (баланс х,исоботлар)нинг нусхаси билан Танлов иштирокчисининг салохияти (жумладан, туловга кодирлиги ва айланма маблаглар билан татэминланганлиги") тугрисида маълумот	10		
<b>5</b>	Танловдаги ухшаш охирги иш тажрибаси.	15		
<b>6</b>	Объектнинг буюртмачи белгиланган бошлангич нархининг 40 % кам булмаган микдоридagi айланма маблаглар мавжудлиги тугрисида оферентга хизмат килувчи банк томонидан тасдикданган банк маълумотномаси.	10		
<b>7</b>	Иштирокчининг омбордаги махсулотлар руйхати.	15		
<b>10</b>	Ишларни бажариш буйича берилган нархлар таклифи, (система томонидан)			<b>20%</b>